



**Ўзбекистон
Республикаси
Коррупцияга қарши
курашиш агентлиги**



**Ўзбекистон
Республикаси
Хуқуқни муҳофаза
қилиш академияси**



**Ўзбекистон
Республикаси
Адлия вазирлиги**

**Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларга оид муаммоли савол ва вазиятлар
(казуслар) ҳамда уларни бартараф этиш чоралар бўйича**

УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

ТАШКЕНТ–2024 йил

Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларга оид муаммоли савол ва вазиятлар (казуслар) ҳамда уларни бартараф этиш чоралар бўйича

УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида Қонун тадбиқ этиладиган субъектлар доираси белгиланган. Бунда, 1-модданинг 2-қисмида, шунингдек 3-қисм иккинчи ва учинчи хатбошиларида белгиланган қоидалар қайси субъектларга нисбатан қўлланилади?

давлат органлари – давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма бўлиб, ташкилий ҳуқуқий шакли таъсис ҳужжатларида ёки қонунчилик ҳужжатларида давлат органи сифатида белгиланган юридик шахслар;

Мисол учун:

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий **давлат вакиллик органи** бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади (*Конституциянинг 91-моддаси*);

Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати **ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи** (*“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси*);

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимияти вакиллик органларидир (*Конституциянинг 120-моддаси*). Тегишли ҳудуддаги **ижро этувчи ҳокимиятга** вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилади (*Конституциянинг 121-моддаси*);

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширадиган ваколатли **республика ижро этувчи ҳокимият органи** ҳисобланади (*Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 558-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тўғрисидаги низом*)

давлат муассасалари – қонунчиликка мувофиқ, бошқарув, ижтимоий-маданий ёки бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун давлат

органи ёки ташкилоти томонидан ташкил этилган ҳамда тўлиқ ёхуд қисман у томонидан молиялаштириладиган юридик шахслар;

Мисол учун:

Вазирлар Маҳкамасининг “**Олий таълим ташкилотлари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**” 2024 йил 11 июлдаги 415-сон қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти **давлат муассасаси** ҳисобланади;

Вазирлар Маҳкамасининг “**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида**” 2023 йил 29 декабрдаги 699-сонли қарорига мувофиқ Зомин илмий-тажриба станцияси юридик шахс мақомига эга **давлат муассасаси** ҳисобланади.

давлат унитар корхоналари – давлат мулки негизида ташкил этилган ва оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган тижорат ташкилотлари;

давлат мақсадли жамғармалари – маблағлари солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, ҳомийлик маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланган бошқа даромадлардан, шунингдек бюджет трансфертлари ва субсидияларидан шакллантириладиган, давлат функцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан юридик шахс шаклида ёки юридик шахс ташкил этмасдан, шу жумладан вазирликлар ва идоралар ҳузурида ташкил этиладиган жамғармалар;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари, яъни устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилотлари назарда тутилади.

Бунда, ушбу Қонун ўз устав фондида (устав капиталида) давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга тўлиқ тадбиқ этилади, ўз устав фондида (устав капиталида) давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар (таъсисчилигида ташкил этилган) улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан фақат уларнинг давлат харидлари соҳасидаги муносабатларига татбиқ этилади.

Маълумот учун:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2024 йилдаги ПҚ–210-сон қарори 3-бандига мувофиқ, Республика идоралараро комиссияси (1-илова билан тасдиқланган) 2024 йил 1 июлга қадар Қонун татбиқ этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ рўйхати шакллантирилишини таъминлаш белгиланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.01.2023 йилдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ–14-сон Фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.07.2023 йилдаги “Давлат муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 302-сон қарори;
5. “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (09.03.2023 йилдаги ЎРҚ-821-сон);
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.11.2019 йилдаги “Ўзбекистон республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 917-сон қарори;
7. Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодекси. 01.01.2014 йилда кучга кирган;

8. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (06.05.2014 йилдаги ЎРҚ-370-сон).

2. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат эканлиги, жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритишни, шунингдек суд ишини юритиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи қонунларда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид бошқа қоидалар белгиланиши мумкин эканлиги, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида Ўзбекистон Республикасининг манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши белгиланган.

Бунда, манфаатлар тўқнашувига оид муносабатларни яна қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан топиш мумкин?

Манфаатлар тўқнашувига оид нормалар “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида (03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон), давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашуви ва унинг олдини олишга оид қоидалар “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида (08.08.2022 йилдаги ЎРҚ-788-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида, давлат харидлари жараёнида манфаатлар тўқнашуви ва унинг олдини олишга оид қоидалар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида (22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сон) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритишни, шунингдек суд ишини юритиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи қонунларда

манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид бошқа қоидалар белгиланиши мумкин эканлиги кўрсатилган.

Бунда, Жиноят процессуал кодексида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид бошқа қоидалар белгиланиши мумкин эканлиги назарда тутилмоқда.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида Ўзбекистон Республикасининг манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши кўрсатилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни (06.02.2019 йилдаги ЎРҚ-518-сон) 2-моддаси 3-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномада Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилиши белгиланган.

3. Ушбу Қонуннинг 3-моддасида белгиланган давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими деганда кимлар назарда тутилмоқда?

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими деганда, Қонуннинг 1-моддасида белгиланган давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган бошқарув ходимлари тушунилади, яъни мазкур Қонун талаблари унинг 1-моддасида белгиланган ташкилотларнинг техник ва ёрдамчи ходимларига нисбатан тадбиқ этилмайди.

4. Ушбу Қонуннинг 3-моддасида белгиланган белгиланган таърифга кўра, мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолати қандай ажратилади?

манфаатлар тўқнашуви деганда, шахсинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини

лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият бўлиб, биринчи ҳолатда айни пайтда реал мавжуд бўлган манфаатлар тўқнашуви, иккинчи ҳолатда келажакда юзага келиши мумкин бўлган потенциал, яъни эҳтимолий манфаатлар тўқнашувига ажратилади.

Бунда шахснинг шахсий манфаатдорлиги бошқа фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамият ёки давлатнинг қонуний манфаатларига зарар етказиши мумкин.

5. Ушбу Қонуннинг 3-моддасида белгиланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича махсус бўлинма сифатида давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг 2 та таркибий бўлинмаси, яъни коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари (ва) ёки кадрлар бўлинмалари кўрсатилган.

Бунда ҳар иккала таркибий бўлинма фаолият юритадими ёки улардан бирими? Агар ташкилот ташкилий тузилмасида ҳар иккала таркибий тузилма мавжуд бўлса, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазифа ва функциялар улар ўртасида қандай тақсимланади?

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича махсус бўлинма деганда, давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг ташкилий тузилмасида мавжуд коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс-назорат) бўлинмалари (ва) ёки ходимлар билан ишлашга масъул бўлган кадрлар (яъни инсон ресурсларини бошқариш) бўлинмалари назарда тутилмоқда.

Бунда ташкилот раҳбари томонидан ташкилот ходимлари (бошқарув) штатлар таркибидан ва иш юкламаси ҳажмидан келиб чиқиб вазифалар юкланади. Агар ташкилотнинг бошқарув ходимлари штатлар сони кўп ва иш юкламаси ҳажми юқори бўлса, шунингдек коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс-назорат) бўлинси ҳам, ходимлар билан ишлашга масъул бўлган

кадрлар (яъни инсон ресурсларини бошқариш) бўлинмаси ҳам мавжуд бўлси, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазифа ва функциялар коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс-назорат) бўлинмалари ва кадрлар (инсон ресурсларини бошқариш) бўлинмалари ўртасида тақсимланади.

Агар ташкилотда юқоридаги таркибий тузилмалардан бири мавжуд бўлмаганда, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазифа ва функциялар ташкилотда мавжуд бўлган таркибий тузилмага (коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс-назорат) бўлинмалари ёки кадрлар (инсон ресурсларини бошқариш) бўлинмаларига юкланади.

6. Ушбу Қонуннинг 3-моддасида белгиланган шахсий манфаатдорлик тушунчасини батафсил тушунтириб беринг?

шахсий манфаатдорлик деганда, давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевосита (тўғридан-тўғри) ёки билвосита (бошқа шахслар орқали) қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзалликлар тушунилади.

Шахснинг шахсий манфаатдорлиги деганда, давлат хизматчисининг ўз хизмат вазифаларини ҳолис бажаришига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган, ўзи, қариндошлари ёки унга алоқадор шахсларнинг моддий ёки номоддий шаклида асоссиз бойиш (даромад олиш) имконияти тушунилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, давлат хизматчисининг шахсий манфаатдорлиги бошқа шахслар, масалан, давлат хизматчисининг дўстлари, унинг қариндошлари фойда оладиган ёки олишлари мумкин бўлган ҳолларда пайдо бўлиши мумкин.

Шунга кўра, ушбу шарҳда "давлат хизматчисининг шахсий манфаати билан боғлиқ бўлган қариндошлар ва/ёки бошқа алоқадор шахслар" атамаси давлат хизматчисининг шахсий манфаати билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаш учун ишлатилади.

Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига давлат хизматчиси ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида учрайдиган кўплаб кейс (вазият)лар мавжуд.

Давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, бундай вазиятларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш имконсиз. Шунга қарамай, манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган қуйидаги бир қатор асосий "тартибга солиш соҳаларини" аниқлаш мумкин:

давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари боғланган қариндошлари ва/ёки бошқа алоқадор шахсларга нисбатан давлат бошқарувининг муайян функцияларини бажариш;

бошқа пуллик ишларни бажариш;

қимматли қоғозлар, банк депозитларига эгалик;

совғалар ва хизматларни қабул қилиш;

мулк мажбуриятлари ва суд жараёни;

собиқ иш берувчи билан ўзаро муносабатлар ва давлат хизматидан бўшатиладиган кейин иш билан таъминлаш;

белгиланган тақиқларнинг аниқ бузилиши (масалан, расмий маълумотлардан фойдаланиш, хорижий мамлакатлардан мукофотлар, фахрий ва махсус унвонларни олиш (илмий унвонлардан ташқари) ва бошқалар.).

7. Ушбу Қонуннинг 3-моддасида белгиланган яқин қариндошлар тушунчасини тушунтириб беринг.

Бундан ташқари мазкур тушунча Оила кодекси, Меҳнат кодекси, Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги Қонун ва бошқа НХХларда ҳам мавжуд бўлиб, мазкур тушунчани бирхиллаштириш лозим.

яқин қариндошларга Оила кодексининг 57-моддаси (Қариндошчилик)да кўрсатилган тўғри шажара биринчи даражадаги қариндошлар - ота-оналар, ўғиллар, қизлар, ён шажара бўйича қариндошликнинг иккинчи даражасида турадиган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек, эр-хотинлар, эр-хотинларнинг тўғри шажарадаги биринчи даражадаги қариндошлари - ота-оналари, фарзандлари ён шажара бўйича қариндошликнинг иккинчи даражасида турадиган ака-укалари, опа-сингиллари қиради.

Меҳнат кодексининг 121-моддаси (Қариндошларнинг давлат ташкилотида бирга хизмат қилишини чеклаш)га кўра, ўзаро яқин қариндош ёки қуда томондан

қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса тақиқланади. Ушбу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши мумкин эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 133-сон қарори 3-иловасида Давлат (акционерлик) корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддасида (121-моддасида) назарда тутилган қариндош-уруғларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсунуши ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши мумкин бўлган ходимларнинг 16 та тоифаси белгиланган.

8. Ушбу Қонуннинг 4-моддасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий принциплари, яъни қонунийлик; фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ва давлатнинг қонуний манфаатлари устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; холислик; коррупцияга нисбатан муросасизлик каби принциплар белгиланган.

Аммо, ушбу тушунчаларнинг мазмуни Қонунда ёритиб берилмаган бўлиб, уларни тавсифлаб беринг.

Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда амал қилиниши лозим бўлган 5 та асосий принцип белгиланган бўлиб, хусусан:

қонунийлик – манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни амалга оширишда иштирок этадиган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг масъул раҳбар ва мутахассис ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига

аниқ риоя қилиши ва уларни бажариши шарт бўлиб, қонунчиликка аниқ риоя қилишдан ҳамда уларни ижро этишдан чекиниш қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ва давлатнинг қонуний манфаатлари устуворлиги – манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни амалга оширишда иштирок этадиган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбар ва масъул ходимлари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этишлари шарт бўлиб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбар ва масъул ходимлари ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

очиқлик ва шаффофлик – манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ қоидалар ва тартиб-таомиллар манфаатдор шахслар учун очиқ, шаффоф ва тушунарли бўлиши ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни амалга оширишда иштирок этадиган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбар ва масъул ходимлари ахборотдан эркин фойдаланилишини таъминлаши керак.

холислик – манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ қоидалар ва тартиб-таомиллар амалга оширишда объектив, яъни холис ёндашув асосида бўлиши керак.

коррупцияга нисбатан муросасизлик – коррупцияга нисбатан тоқатсизлик, яъни ҳар қандай шарт-шароит ва ҳолатга қарамасдан уни қабул қилмасликда ифодаланадиган коррупцияга қарши “0” муносабат.

9. Қонунда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорлар ва тузилган битимлар суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилади деб белгиланган. Ушбу норма ҳозиргача қабул қилинган қарорлар ва тузилган битимларга ҳам тадбиқ этиладими?

Албатта. Ушбу қонун олдин манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорлар ва тузилган битимларга ҳам тадбиқ этилади.

10. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари муайян бир расмий тadbирда ўзининг назорат қилувчи ташкилот ходимларидан совғалар ёки хизматлар қабул қилиши келажакда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлиши мумкинми?

Қонунчиликка кўра совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараварига тенг ёки ундан кўп бўлмаган миқдорда эканлиги аниқланган тақдирда, совға давлат фуқаролик хизматчисига қолдирилади ва у томонидан ўз ихтиёрига кўра тасарруф этилади.

11. Яқин қариндош бўлган ходимлар битта ташкилотда ишлашади. Айни пайтда бири ташкилотдан ходимларга совғалар тақдим қилиш, турли хил имтиёзлар белгилаш, таътиллар билан боғлиқ муносабатларни бошқаради. Ушбу ҳолатда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви мавжудми?

Қонуннинг 1-моддасида белгиланган амал қилиш соҳаси доирасига кирса, манфаатлар тўқнашуви деб топилади ҳамда қонунда белгиланган чоралар кўрилишига сабаб бўлади.

12. Банк ходимининг унинг яқин қариндошлари ушбу банкнинг қимматли қоғозлари, банк депозитлари ёки унинг аксияларига эгалик қилиши манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлиши мумкинми?

Қонуннинг 1-моддасида назарда тутилган амал қилиш соҳаси доирасига кирса, манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлади ҳамда бундай ҳолатга йўл қўйилмайди.

13. Айланма эшик (revolving door) амалиёти – ходим ёки раҳбар ўзининг илгари ишлаган давлат органи ёки бошқа ташкилотга ёки унинг раҳбари, ходимига нисбатан муайян ваколат, функцияларни белгилашда иштирок этади. Ушбу амалиёт манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлиши мумкинми?

Ушбу амалиёт манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлади.

14. Манфаатлар тўқнашувини олдини олишда Одоб-ахлоқ комиссияларининг роли қандай?

Давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими томонидан ушбу Қонунда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш чораларини кўради; манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан кўрилатган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади; мавжуд манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳоллар устидан коллегиял назоратни амалга оширади; ушбу Қонунда белгиланган талабларнинг давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимлари томонидан бузилишлари мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хизмат текшируви натижаларига кўра хулоса чиқаради; манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар қилмаган, била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этган ёхуд бундай ахборотни яширган ходимни жавобгарликка тортиш ҳақида давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг раҳбарига таклиф киритади.

15. Манфаатлар тўқнашувини олдини олишда махсус бўлинманинг роли нималарда намоён бўлади?

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими томонидан аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ушбу Қонун талабларини бузган ходимига нисбатан хизмат текширувини ўтказди;

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш юзасидан қонунчиликка мувофиқ тушунтириш ишларини амалга оширади;

еҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни, шунингдек мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномани кўриб чиқади, уларнинг натижаларига кўра одоб-ахлоқ комиссиясига таклифлар киритади;

давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарлари муносабати билан манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса беради;

давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолларини таҳлил қилади ҳамда уларни тартибга солиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда ушбу Қонун талабларига риоя этилиши ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги ҳисоботларни тайёрлайди ҳамда ҳисоботлар унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлайди.

16. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари, шунингдек уларга алоқадор шахсларнинг ўзига нисбатан ёки бошқа ходимларга нисбатан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида хабар бермаслиги қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?

Қонуннинг амал қилиш соҳасида юз берган бўлса, МЖТКнинг 193⁴-модда. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик санкциясида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

17. Бир шахс турмуш ўртоғи туман ҳокими лавозимига тайинлангандан сўнг туман тиббий поликлиника раҳбари лавозимга тайинланган. Мазкур шахс тиббий поликлиника раҳбари лавозимда ишлашга ҳақлими?

Меҳнат кодексининг 121-моддасида ўзаро яқин қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса тақиқланиши белгиланган.

18. Бир шахс турмуш ўртоғи раҳбар бўлиб ишлаётган ташкилот бўйсунувидаги ташкилотнинг бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритади. Мазкур шахс бўйсунув ташкилотда бўлим бошлиғи лавозимида ишлашга ҳақлими?

Меҳнат кодексининг 121-моддасида ўзаро яқин қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар,

ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса тақиқланиши белгиланган.

19. Бир шахс вилоят ҳокимлиги кадрлар бошқармасида бош мутахассис бўлиб ишлаётган бир пайтда туман ҳокимнинг ёрдамчиси вазифасида фаолият юритиши қонунийми?

Меҳнат кодексининг 121-моддасида ўзаро яқин қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса тақиқланиши белгиланган.

20. Бир шахс вилоят ҳокимлигининг кадрлар бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритиши билан бир қаторда унинг турмуш ўртоғи мазкур ҳокимликни хўжалик бошқармасининг техник вазифасида ишлаши қанчалик қонунга тўғри келади?

Меҳнат кодексининг 121-моддасида ўзаро яқин қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса тақиқланиши белгиланган.

21. Ижтимоий масалалар бўйича ҳоким ўринбосари ишдан бўшатишдан кейин ўзининг назорат объекти ҳисобланган ташкилотларга ёки ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассис ёхуд етакчи мутахассис бўлиб ишга кириши тақиқланганми?

Йўқ

22. Эр-хотиннинг битта ташкилотда ишлаши мумкинми?

Меҳнат кодексининг 121-моддасида ўзаро яқин қариндош айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлмаса.

23. Давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ишловчи ходимга алоқадор шахс давлат органи назоратида бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, яъни раҳбар ёки таъсисчи ҳисобланади. Бундай ҳолатда қандай йўл тутиш керак?

Мазкур ҳолат эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви сифатида баҳоланади ва Қонунга мувофиқ уни тартибга солиш чорасини кўриш лозим бўлади, яъни агарда Қонун билан таъсисчилик ушбу ходимга тақиқланган бўлса, ушбу манфаатидан вос кечиши ёхуд ДХМга ушбу фаолиятини тўхтатишга ариза бериши лозим.

Раҳбарлик лавозимида фаолият юритиш Меҳнат кодексининг 432-моддасига мувофиқ ўриндошлик асосида ишлаш ходимнинг ўзининг асосий ишидан ташқари алоҳида меҳнат шартномаси шартлари бўйича асосий ишидан бўш вақтида бошқа мунтазам ҳақ тўланадиган ишни бажариш эканлиги белгиланган.

Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарорига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, шу жумладан ўриндошлик асосида бир вақтнинг ўзида иккита раҳбарлик лавозимини эгаллашга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

24. Давлат органи ёки ташкилотида ишловчи ходим, унинг яқин қариндоши ёки унга алоқадор шахс ушбу давлат органи ёхуд ташкилотнинг соҳа жиҳатдан назорат қилинадиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлими.

Масалан: Қишлоқ хўжалиги вазирлигида ишловчи ходим, унинг яқин қариндоши ёки унга алоқадор шахс фермер хўжалиги таъсисчиси ёки раҳбари бўлиб ишлаши қонунга тўғри келадими?

Ҳақли агарда қонунчилик билан уларга ушбу фаолият билан шуғулланиш тақиқланмаган бўлса.

Мазкур ҳолатда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолати тартибга солиниши лозим бўлади.

25. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар келтирилган бўлиб, унда фақат 3 тоифадаги шахслар санаб ўтилган. Шу билан бирга, амалиётда ходимга алоқаси бор, лекин Қонунда келтирилган тоифага тушмаган шахслар билан манфаатлар тўқнашуви вужудга келса, унинг ҳуқуқий оқибати қандай бўлади? (Масалан қўшниси, дўсти, синфдоши, курсдоши ва ҳ.к.)

Мазкур ҳолат одоб-ахлоқ қоидалари доирасида кўриб чиқилиб, хизмат текушируви натижаларидан келиб чиқиб хулоса бериш мумкин.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида “яқин қариндошлар” тушунчасига таъриф берилган. Таърифда оналик ёки оталиққа ҳамда васийликка олинган шахслар қамраб олинмаган. Улар иштирокида манфаатлар тўқнашуви вужудга келса, унинг ҳуқуқий оқибати қандай бўлади?

Оила кодексига мувофиқ оналик ёки оталиққа ҳамда васийликка олинган шахслар сир сақланиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, расмий равишда фарзанди ҳисобланса, ушбу қонун доираси билан қамраб олинади.

27. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунни бузганликда айбдор бўлган шахслар қандай жавобгарликка тортилиши мумкин?

Маъмурий жавобгарлик кодексининг 1934-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Қонунчилик ҳужжатларида бошқа чекловлар бўйича бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, ушбу жазо турлари бўйича жавобгарликка торитиладилар.

28. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонунни бузганликда айбдор бўлган шахсларнинг моддий жавобгарлиги қандай?

Айбор шахсдан ташкилот ёки бошқа юридик (жисмоний) шахслар (асосий ва қўшмча жавобгар бўлмаган) кўрган зарардан келиб чиқиб регресс тартибида ундирилади.

29. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлашда фаол ёрдам берган шахслар мукофотланиш тартиби қандай?

Ташкилотнинг ички идоравий ҳужжатларда белгиланган шаклларда рағбатлантирилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарори 3-иловасидаги рўйхатнинг 11-бандида кўрсатилган “ўрмон ва сув хўжалиги мутахассислари” жумласи айнан қайси лавозимларга тегишли ёки ўрмон ва сув хўжаликларидagi барча лавозимларга тегишлими?

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори (ХАЛИКК-2020) давлат стандартида:

4501-бандда сув хўжалиги автоматлаштирилган объектларини эксплуатация қилиш бўйича техник (Техник по эксплуатации автоматизированных объектов водного хозяйства) мутахассис персонал тоифасига кириши кўрсатиб ўтилган;

4564-бандда ўрмонларнинг ҳолати, улардан фойдаланиш, кўпайтириш, сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назорат инспектори (Инспектор государственного контроля за состоянием, использованием, воспроизводством, охраной и защитой лесов) мутахассис персонал тоифасига кириши кўрсатиб ўтилган.

31. Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси 2-хатбошисида “Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар мазкур ходим меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилот билан муносабатларга киришганда:

шахсий манфаатларини кўзлаб манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни электрон ёки ёзма шаклда тўлдириши, унга била туриб ёлғон ва нотўғри маълумотларни киритмаслиги шарт”лиги қайд этилган.

Савол: Алоқадор шахслар қаердан (ёзма) декларация олади ва кимга ёки қайси органга (мисол учун, тизимости корхонаси алоқадор шахси юқори турувчи вазирликка) декларацияни топширади? Уни ким текширади (ташкилот ёки юқори турувчи орган)? Натижаси қандай тартибда ва муддатда мурожаатчига билдирилади?

Ходим ишлаётган ташкилотга давлат хизматидан фойдаланиш ёки оддий мурожаат қилганида ҳам электрон шаклда (ёки ёзма шаклда) мурожаатига қўшимча декларация тақдим этади. Бу қўшимча хужжат ҳисобланмайди. Бу кўпроқ, мурожаатларда холисликни таъминлаш учун аниқлаштириладиган аниқ бир мажбуриятлардан бири ҳисобланади.

32. Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси 3-қисмида “Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими билан алоқадор шахслар томонидан эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда била туриб ёлғон ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин”лиги белгиланган.

Ушбу ҳолатда давлат хизматчиси ва алоқадор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида қандай жавобгарлик назарда тутилган?

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, фақатгиан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилиш белгиланган.

33. Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси 1-қисми 6-хатбошисида “ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилишга, шунингдек ушбу тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органи аъзоси бўлишга” чеклов мавжуд.

Бу ҳолатда тизимости АЖлари Кузатув кенгашлари аъзолигига ҳам чеклов ўрнатиладими? (Кузатув кенгаши аъзоси ҳам АЖнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–3366-сон Фармонининг 1-бандига асосан таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органи ҳисобланиши белгиланган.

Бироқ, давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

Ўз навбатида, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 74-моддасига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

“Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида асосан давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан бир вақтнинг ўзида ҳам мулкдорнинг, ҳам тартибга солувчининг вазифаларини бажаришга йўл қўйилмайди. Ушбу ҳолат мулкдорнинг вазифаларини давлат органидан

Агентликка ўтказиш ёки мазкур корхонани тугатиш ёхуд тартибга солувчининг вазифаларини ушбу давлат органидан бошқа давлат органига ўтказиш йўли билан бартараф этиши кўрсатиб ўтилган.

Манфаатлар тўқнашуви ҳолати келиб чиқиш ҳолатлари мавжуд бўлса, албатта.

34. Бир шахс Республика даражасидаги давлат идорасининг таркибий тармоғида фаолият юритади, унинг акаси эса ушбу давлат идорасининг таркибий тармоғи томонидан назорат қилинадиган ҳудудий бўлимида ишлайди. Ушбу ҳолатда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганми?

Мазкур ҳолатда агарда ходимлар битта ташкилот тизимда иш фаолиятини амалга ошираётган бўлса, албатта бу ҳолат юзасидан эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чоралари кўрилиш лозим.

35. Давлат идораси ходими томонидан деҳқон ёки фермер хўжалиги, савдо йўналишидаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиши қонунчиликка тўғри келадими?

Агарда қонунчилик билан мазкур фаолият билан шуғулланиш ушбу ходимга чекланмаган бўлса.

36. Давлат идораси ходимининг яқин қариндошлари ушбу давлат идораси томонидан назорат қилинадиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишида ёки тадбиркорлик субъекти ходими бўлиб ишлашида манфаатлар тўқнашуви мавжудми?

Албатта йўқ.

37. Давлат идораси раҳбари бўлган шахснинг яқин қариндошлари ушбу идоранинг мутахассиси бўлиб ишлашида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганми?

Меҳнат кодексининг 121-моддасида ўзаро яқин қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига

бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса тақиқланиши белгиланган.

38. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-бўлимига мувофиқ “яқин қариндошлар бу – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари”.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра “яқин қариндошлар бу – ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари”.

Иш фаолияти давомида “яқин қариндошлар” тушунчасини қўллашда қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатдан фойдаланиш лозим бўлади?

“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида ушбу муносабатларда яқин қариндошлар кимлар ҳисобланиши белгилаб берилган.

39. Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси учинчи хатбошисига мувофиқ давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ва унинг яқин қариндошлари юридик шахснинг устав фонди акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, ўша юридик шахс давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахс ҳисобланиши белгиланган.

Ушбу ҳолатда ходим ва унинг яқин қариндошлари юридик шахсларнинг неччи фоиз устав фонди акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, алоқадор шахс ҳисобланади?

Нечи фоизга эгалик қилишидан қатъий назар ушбу тадбиркорлик субъекти ходимга алоқадор шахс ҳисобланади.

40. Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг 11 ҳамда 16-моддалари нормалари ўртасида рақобат бордек кўринади.

Хусусан, 11-модданинг 1-қисмида давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими томонидан ушбу Қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат давлат органида ёки бошқа ташкилотда тузилган одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, 16-модданинг 1-қисмига мувофиқ давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг раҳбар ходими ҳамда махсус бўлинманинг раҳбари манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун масъул ҳисобланиши белгиланган.

Мазкур икки норма ўртасида фарқни тушунтириб берсангиз.

Ушбу моддаларда белгиланган талаблар қандай ёзилган бўлса, шундай тушунилади. Бунда, 11-моддасида одоб-ахлоқ комиссиясининг роли аниқ белгилаб берилмоқда.

41. Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси 1-қисмига мувофиқ давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими шахсга доир маълумотлари ўзгарган тақдирда, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириши ва ҳар йили 15 январдан кечиктирмай махсус бўлинмага тақдим этиши кераклиги белгиланган.

Савол: мазкур декларация ўтган йил учун тўлдириладими ёки келаётган йил учунми?

Тўлдирилаётган кун ҳолати бўйича тўлдирилади.

42. Давлат органининг мансабдор шахси ва/ёки унга тенглаштирилган шахс (кейинги ўринларда –мансабдор шахс) давлат харидлари жараёнида қайси шахслар иштирок этган ҳолларда қарор қабул қилишда қатнашади?

Давлат органининг мансабдор шахси ва/ёки унга тенглаштирилган шахс (кейинги ўринларда –мансабдор шахс) давлат харидлари жараёнида қуйидаги шахслар иштирок этган ҳолларда қарор қабул қилишда қатнашади:

– мансабдор шахснинг турмуш ўртоғи, яқин қариндоши ёки турмуш ўртоғининг яқин қариндошлари бўлган яқка тартибдаги тадбиркор; – мансабдор шахснинг турмуш ўртоғи, яқин қариндошлари ёки турмуш ўртоғининг яқин қариндошлари муассис (иштирокчиси), раҳбар, бош бухгалтер, коллегиял органининг аъзоси бўлган ташкилот;

– мансабдор шахснинг турмуш ўртоғи, яқин қариндошлари ёки турмуш ўртоғининг яқин қариндошлари олдида мулкӣ мажбуриятлари бўлган ташкилотлар;

– мансабдор шахснинг турмуш ўртоғи, яқин қариндошлари ёки турмуш ўртоғининг яқин қариндошлари мол-мулк (совғалар) ёки хизматларни бепул олган ташкилот ёки яқка тартибдаги тадбиркор.

Мансабдор шахс ушбу харид тартиб-таомилида иштирок этишдан ўзини ўзи рад қилиши зарур ёки у раҳбар томонидан четлаштирилиши мумкин.

43. Мансабдор шахс 1-бандда келтирилган ташкилот, яқка тартибдаги тадбиркорга нисбатан талабнома-даъво ишларини амалга оширадими (ёки бундай ишларни амалга оширишда қатнашадими)?

Мансабдор шахс 1-бандда келтирилган ташкилот, яқка тартибдаги тадбиркорга нисбатан талабнома-даъво ишларини амалга оширади (ёки бундай ишларни амалга оширишда қатнашади). Мансабдор шахс ушбу харид тартиб-таомилида иштирок этишдан ўзини ўзи рад қилиши зарур ёки у раҳбар томонидан четлаштирилиши мумкин.

44. Мансабдор шахс 1-бандда санаб ўтилган ташкилотлар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича алоҳида (коллегиял тузилмалар доирасидан ташқарида) тегишли хулоса расмийлаштирадими?

Бундай ҳолатларда ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорларни қабул қилишдан четлаштириш тавсия этилади.

45. Моддий ресурсларни (товарлар, ишлар, хизматлар) харид қилиш учун масъул бўлган мансабдор шахслар 1-бандда санаб ўтилганлардан етказиб берувчиларни танлайдими?

Бундай ҳолатларда ходимни манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган қарорларни қабул қилишдан четлаштириш тавсия этилади.

46. Мансабдор шахс аттестация комиссиясининг аъзоси бўлиб, у ўзининг қариндоши тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинми?

Ушбу қарорни қабул қиладиган аттестация комиссиясининг йиғилишида иштирок этишдан четлатиш тавсия этилади.

47. Мансабдор шахс давлат хизматида киргунга қадар унинг ходими бўлган хўжалик жамиятининг бошқарув органларидаги вакили ҳисобланадими?

Мансабдор шахснинг собиқ иш берувчи билан муносабатлари юкланган функцияларнинг обектив бажарилишига таъсир қилиши ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкинлигини баҳолаш тавсия этилади.

48. Мансабдор шахсга улушлари (акциялари) белгиланган тартибда ишончли бошқарувга берилган хўжалик жамиятининг иштирокчиси бўлиши мумкинми?

Бу вазиятда ходим жамият тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этаётганда юзага келган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида бевосита раҳбарни хабардор қилиши керак.

49. Мансабдор шахс меҳнат (хизмат) вазифасини бажараётганда ушбу мансабдор шахснинг шахсий манфаатларини кўзлаган шахс учун учун тижорат битимларини тузишда наф ёки рақобат устунликларига эга бўлиш имконини берувчи маълумотлардан хабардор бўлиши тўғрими?

Бундай ҳолатда, меҳнат (хизмат) вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда маълум бўлган маълумотларни ошкор қилиш ва шахсий мақсадларда фойдаланишни тартибга солувчи қоидаларни кўриб чиқиш тавсия этилади. Агар интизомий ҳуқуқбузарлик белгилари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят белгиларини ўз ичига олган қилмишни содир этиш факти аниқланса, бу

маълумот хизмат текшируви ўтказиш ва жавобгарлик чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун раҳбарга тақдим этилади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тегишлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.